



АСОСИЙ КАПИТАЛГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

Хурамов Зафар Ражабалиевич

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси Йирик солиқ тўловчилар бўйича
худудларлараро солиқ инспексияси Ўта йирик солиқ тўловчилар Солиқ
назорати бўлими Молиявий хизматлар комплексларининг солиқ назорати
шўбаси бошлиғи

Асосий капиталга инвестицияларни жалб этиш ва молиялаштириш замонавий иқтисодиётда муҳим ўрин тутди. Асосий капитал – бу корхоналарнинг узок муддатли моддий-техника ва ишлаб чиқариш имкониятларини ташкил этувчи омиллар жамланмаси бўлиб, у янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рақобатбардошликни ошириш учун асосий воситадир. Шунинг учун мамлакатлар ва корхоналар иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инновацияларни жорий қилиш ва инвестицияларни рағбатлантириш учун асосий капитални тўғри молиялаштиришга катта эътибор қаратишади.

Дунё иқтисодиётида инвестицияларнинг роли ошиб бормоқда. Кўплаб давлатлар ўзларининг иқтисодий ривожланиш стратегияларида асосий капиталга сармоя киритишни биринчи ўринга қўяди. Чунки асосий капиталга инвестициялар ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлайди ва ўрта муддатда иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Шунингдек, бу жараёнда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам сўнгги йилларда асосий капиталга сармоя киритишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар, хусусан, солиқ ва кредит сиёсатлари, хорижий сармоядорларни жалб этишга қаратилган лойиҳалар асосий капитални ривожлантиришда муҳим омиллар бўлмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда асосий капиталга сармоя киритишнинг турли манбалари ва молиялаштириш механизмлари яратилиб, уларнинг самарадорлиги оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, саноатни модернизация қилиш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида асосий капиталга инвестициялар жалб этиш ва уларни самарали молиялаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, дунё тажрибасини ўрганиш, мамлакатимиз шароитига мос келадиган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Дунё иқтисодиётида асосий капиталга инвестициялар мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Ривожланган давлатларда асосий капиталга сармоя киритиш самарадорлиги юқори бўлиб, инновацияларга ва юқори технологияларга асосланган

лойиҳаларга йўналтирилмоқда. Шунингдек, уларда молиялаштириш турлари турлича: давлат инвестициялари, хусусий сектор сармоялари, халқаро молия институтлари маблағлари фаол қўлланилади.

Ўзбекистонда эса асосий капиталга инвестицияларни жалб этишда сўнгги йилларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Давлат томонидан инвестиция муҳитини яхшилаш учун кенг қўламда ислохотлар амалга оширилмоқда. Хорижий сармоядорларни жалб этиш учун қулайликлар яратилиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам банк кредитлари, ҳам давлат грантлари ва субсидиялари қўлланилмоқда. Бу эса иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бироқ, Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларни жалб этиш ва молиялаштиришда ҳали ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Улар орасида инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, молиявий бозорларни такомиллаштириш, кредит ресурсларининг самарали тақсимланиши муҳим ҳисобланади. Шунингдек, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, асосий капиталга инвестицияларни жалб этиш ва молиялаштириш иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Дунё тажрибасини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва замонавий молиялаштириш усуллари жорий этиш орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Шу йўлдаги ислохотлар ва чора-тадбирлар инвесторлар ишончини ошириш ва иқтисодиётни мустаҳкамлашга хизмат қилади.